

“Ўзкимёсаноатлойиха” АЖ
Акциядорларнинг Умумий йигилиши
қарори билан
«Тастикланди»
2016-йил 23 июндаги
22-сонли баённома

“Ўзкимёсаноатлойиха” АЖ
Манфаатлар низосида фаолият
Тартиби ҳақидаги
НИЗОМ

МУНДАРИЖА:

1. Умумий қоидалар
2. Низом фаолиятига тушадиган шахслар доираси
3. Жамиятда манфаатлар низоси бошқаришнинг асосий принциплари
4. Манфаатлар низосининг келиб чиқиш сабаблари
5. Манфаатлар низосини олдини олиш
6. Манфаатлар низосини бартараф этиш
7. Хулоса

1. Умумий қоидалар.

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи Қонунчиликка “Ўзкимёсаноатлойиха” АЖ нинг Уставига, корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилди ва Жамиятда келиб чиқадиган манфаатлар низоларини аниқлаш ва ҳал этиш тартибини белгилайди.

2. Жамиятнинг фаолиятини амалга оширишда Жамиятнинг мол-мулка ёки бошқа манфаатлари ўртасида зиддиятлар сабабидан келиб чиқиши мумкин бўлган манфаатлар низоси ва мол-мулклар ёки бошқа манфаатдор кредиторлар, контрагентлар ва бошқа клиентлар, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларининг ва унинг ходимлари томонидан ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида буюртмачининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Жамият акциядорлари манфаатлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда акциядор манфаатлари ўртасида манфаатлар низолари келиб чиқиши мумкин.

3. Мазкур Низомда манфаатлар низолари келиб чиқишининг қуйидаги ҳолатлари кўриб чиқилади:

- Мажоритар акциядорлар ва миноритар акциядорлар ўртасидаги;
- Жамиятнинг бошқарув органлари ва унинг акциядори ўртасидаги;
- Жамиятнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслар, Жамиятнинг ходимлари ва Буюртмачи ўртасидаги;
- Жамият ва мансабдор шахслар, Жамиятнинг ходимлари ўртасида, улар хизмат вазифаларини бажаришда.

2. Низом фаолиятига тушадиган шахслар доираси.

4. Низомнинг фаолияти (ҳаракати) Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига ҳамда унинг барча ходимларига эгаллаган лавозим даражасидан қатъий назар тадбиқ этилади (жорий этилади).

5. Мазкур Низом риоя этиш ҳақидаги талаблар Жамият билан ҳамкорликдаги жисмоний шахсларга, фуқоравий-ҳуқуқий шартнома асосида қуйидаги ҳолатида, тегишли мажбуриятлар улар билан шартномада мустаҳкамлаб қўйилганида, уларнинг ички ҳужжатларида ёки Қонундан тўғридан-тўғри келиб-чиқадиган ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

3. Жамиятда манфаатлар низосини бошқаришнинг асосий принциплари.

6. Жамиятда манфаатлар низосини бошқарилиши қуйидаги қайд этилаётган принципларга асосланади:

- Реал (ҳақиқий) ва потенциал (яширин) манфаатлар низоси ҳақидаги маълумотларни очишнинг мажбурийлиги;
- Ҳар бир манфаатлар низоларини аниқлашда ва уни ҳал этишда Жамият учун репутация (обрў-эътибор) ҳавф-ҳатарини яқка тартибда кўриб чиқиши ва баҳолаши;
- Манфаатлар низоси ҳақидаги маълумотларни очиш жараёнида ва уни ҳал этишда қатъиян махфийлиги;
- Манфаатлар низосини ҳал этишда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларини ва унинг ходимларини манфаатлар балансига риоя этилиши;
- Ўз вақтида ходим томонидан очилган ва Жамият томонидан ҳал этилган, манфаатлар низоси ҳақида хабар берилганлиги сабабли таъқиб қилишдан шахсни ҳимоя қилиши.

4. Манфаатлар низоларининг келиб чиқиш сабаблари (шароитлари).

7. Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасида қуйидаги оқибатларда манфаатлар низолари келиб чиқиши мумкин:

- Қонунчилик, меъёрий далолатномалар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлар талабларига риоя қилмаслик;

- Жамият фаолиятига ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинаётган қарорларга миноритар акциядорларнинг жиддий таъсир кўрсатаолмаслиги;

- Катта битимлар ва ваколатли орган бошқаруви билан олдиндан келишмасдан, аффилиланган шахслар билан битимлар тузиши;

- Жамиятнинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиришга олиб келиши мумкин бўлган қарорларни бошқарув органлари қабул қилиши;

- Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ахборотларни очмаслиги, ёки бошқа ташкилотларда бошқарув органларида эгаллаган лавозимлари қақида Жамиятнинг бошқарув органига кирувчи шахслар томонидан тўлиқ бўлмаган ахборотларни тақдим этиши.

Манфаатлар низоси, бошқарув органи ва назорат органи, мансабдор шахслар, ходимлар ва Мижозлар ўртасида қуйидаги сабабларда ҳам келиб чиқиши мумкин:

- Қонунчиликка, Жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя этмаслиги;

- Мижознинг манфаатлари, Жамият манфаатлари олдида устуворлик принципига риоя этмаслиги;

- Ишдаги мулоқот меъёрлари ва профессионал этика принципларига риоя этмаслиги;

- Жамият томонидан ҳам, мижозлар томонидан ҳам шартнома мажбуриятларини бажармаслиги;

- Қонунчиликда ва жамиятнинг ички ҳужжатларда белгиланган, узининг мажбуриятларини бажармаслиги.

8. Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ва Буюртмачилар ўртасида қуйидаги оқибатларда келиб чиқиши мумкин бўлган манфаатлар низолари:

- Қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларини бузилиши;

- Ишдаги мулоқот меъёрлари ва профессионал этика принципларига риоя этмаслиги;

- Буюртмачи манфаатлари Жамият манфаатлари олдида устуворлик принципига риоя этмаслиги;

- Хусусий ҳам, оила аъзолари билан ҳам тижорат фаолиятини юритилиши;

- Бошқа компания билан молиявий манфаатларининг мавжудлиги, у билан Жамият амалий муносабатларни олиб борилиши;

- Бошқа ташкилотда раҳбарликда, мансабдор шахс сифатида ўриндошлик бўйича ишлаши ёки унинг бошқарув органида қатнашиши;

- Ўзининг манфаатлари йўлида Жамият манфаатларига зарар етказиш билан бошқа ташкилотларга ишдаги имкониятларни тақдим этиши;

- Қонунчиликда ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари белгиланган ўзининг вазифаларини бажармаслиги.

5. Манфаатлар низоларини олдини олиш.

9. Манфаатлар низосини олдини олиш умумий механизмлари Жамиятнинг Уставида ва унинг ички ҳужжатларида назарда тутилган.

Мазкур Низом билан Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар ва Жамиятнинг ходимлари бажариш учун мажбурий бўлган, манфаатлар низоларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ўрнатилмоқда.

10. Манфаатлар низоларининг ҳар хил турларини олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслар ва ходимлари куйидагиларга мажбурдирлар:

- Қонунчилик, меъёрий далолатномалар, Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатлар талабларига риоя этишлари;

- Низолар вазиятларини келтириб чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни бажаришдан ва қарорларни қабул қилишдан тўхташи;

- Жамиятни самарали бошқаришни таъминлаши;

- Жамиятни ҳуқуққа қарши фаолият амалга оширишда Жамиятни жалб қилиш имконини йўқ қилиши, шу жумладан жиноий йўл билан олинган фойдани легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни йўқ қилиш;

- Товарларни самарадорликни максимал имкон беришини таъминлаши;

- Қонунчиликка мувофиқ бошқарув органлари олдида ҳар чоракда ҳисобот топшириши;

- Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатларга асосан ички ва ташқи назоратни амалга ошириши;

- Қонунчиликда ва Жамият Уставида ўрнатилган миқдордан кўп бўлган суммадан катта йирик битимларни, айрим битимларни ёки бир қатор ўзаро боғлиқ битимларни Кузатув кенгашига кўриб чиқиши учун тақдим этиши;

- Йирик битимларни ва аффилланган шахслар билан битимларни амалга ошириш шароитида назорат органлари томонидан ўрганишни амалга ошириши;

- Қонунчилик талабларига мувофиқ битимларни олиб борилиши ҳақида қарорларни Кузатув кенгаши томонидан маъқулланишида, мол-мулкнинг бозор нархини аниқлаш учун мустақил баҳоловчини заруриятда жалб қилиниши;

- Аффилланган шахслар ҳақида ахборотларнинг ҳисобини таъминлаши;

- Битимларни ишлаб чиқишини ва бажарилишида тартибга риоя этилишини таъминлаши:

- Аффилланган шахслар билан;

- Жамиятнинг акциядорлари ва уларнинг аффилланган шахслари билан;

- Йирик битимларни бажармаслик ва аффилланган шахслар билан битимларни уларнинг Жамиятдаги ваколатли органлари билан олдиндан маъқуллаш олмасдан бажармаслик;

- “Ўзкимёсаноатлойиха” АЖ Кузатув кенгашининг рухсатисиз (розилигисиз) бошқа юридик шахсларда бошқарув ва назорат органларида лавозимни олмаслик;

- Амалдаги қонунчиликка ва Жамиятнинг ахборот сиёсати ҳақидаги Низомга мувофиқ кўшимча ахборотларнинг талабларига асосан Жамиятнинг фаолияти ҳақидаги ахборотларни очишни амалга ошириши;

- Акциядорларга ва буюртмачиларга, тартибга солувчи ва назорат органларига ва бошқа қизиққан шахсларга, шу жумладан реклама мақсадларида тақдим этилаётган бухгалтерия ҳисоботларини ва бошқа эълон қилинадиган ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаши;

- Жамиятда бор ахборотларни, бундай ахборотларга кириш ҳуқуқига эга шахслар томонидан шахсий мақсадларда ишлатилишини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- Оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда Жамият ҳақида негатив ахборотларни ишончлилигини ва объективлигини ўз вақтида кўриб чиқиши, негатив ёки ишониб болмайдиган ахборотларнинг пайдо бўлишини ҳар бир факти бўйича ўз вақтида жавоб бериши;

- Ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда Жамиятнинг барқарор сердаромадлиликка етишишини таъминлаши;

- Жамиятнинг ички назорат тизимидаги камчиликларни аниқлашда қатнашиши;

- Жамиятнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, бошқарув ва назорат органлари аъзоларига, ҳамда ўшанга, Жамиятнинг фаолиятида қанчалик натижага эришиши режалаштирилган кўрсаткичларга мувофиқлигида тўланадиган мукофотнинг адекватлигини таъминлаши;

- Профессional этикаси принципларига риоя этилиши.

11. Жамиятнинг акциядорлари ўртасида, ҳамда Жамиятнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида ва унинг акциядори ўртасида манфаатлар низосини олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар ҳам қуйидагиларга мажбурдирлар:

- “Акциядор жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя ҳақидаги” Қонун билан, Жамиятнинг меъёрий далолатномалари, устави ва ички ҳужжатлари билан мустақамланган мажоритар ва миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиши;

- Акциядорларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлашдаги масалаларда Жамиятнинг аниқ ва асосли позициясини акциядорларга ўз вақтида етказилишини таъминлаши;

- Ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаши;

- Низолар предмети бўлиши мумкин бўлган масалалар бўйича тўлиқ ахборотларни акциядорларга етказиши;

- Рақобатдаги жамиятнинг акциясини сотиб олганида Жамиятнинг бошқарув органи аъзоларининг битимларни тузишда манфаатлари бор, битимларни аниқлаши, ҳамда бундай шахсларнинг бошқарув органларида қатнашиши;

- Бошқарув қарорларини қабул қилинаётганда объективлигини, муаллақлигини ва мустақиллигини таъминлаш учун Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолари номзодлари кўрсатилишига ҳаракат қилинмоқда.

12. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар ва буюртмачилар ўртасида манфаатлар низоларининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар ҳам қуйидагиларга мажбурдирлар:

- Ўрнатилган тартибда Жамият ҳақидаги ахборотларнинг тақдим этилишини таъминлаши;

- Ахборотларнинг манфийлиги ва бошқа муҳим ахборотларни ишлатиш тартибига қатъиян риоя этилишини таъминлаши;

- Жамият буюртмачиларининг мафаатларига жавоб бермайдиган битимларни тузишга йўл қўймаслик;

- Мазкур масала бўйича буюртмачига берилган тавсиялар мавжуд ахборотлар виждонан таҳлили асосидалигини таъминлаши;

- Жамиятнинг фаолияти жараёнида яратилган, эгалланган ва тўпланган ахборотларни сақлаш тизимини такомиллаштириш шу сабабдан-ки, Жамиятда қоғоз, магнит ва бошқа турларда уни олиб юрувчилар, Жамиятнинг бошқарув органи ёки ваколатли мансабдор шахсларнинг розилигисиз ахборотларни хизматга оид ёки тижорат сирини ташкил этувчи бўлганлиги сабаб, бошқа шахсга сотишга, беришга, нусха олишга, кўпайтиришга, алмашишга ва бошқа йўл билан тарқалишига ва нашр қилиш предмети бўлмаслиги керак.

13. Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида, улар хизмат вазифаларини бажаришда, манфаатлар низоларини олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва ходимлар қуйидагиларга мажбурдирлар:

- Ишдаги мулоқот меъёрларига ва профессионал этика принципларига риоя этиши;

- Ўрнатилган тартибда шартномаларни тузиши;

- Низоли вазиятларнинг келиб чиқишини яратиб берувчи ҳолатларни келиб чиқиши ҳақида юқорида турувчи мансабдор шахсни ўз вақтида хабардор қилиши;
- Юқорида турувчи мансабдор шахсни, ташкилотлар ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши, у ерда мансабдор шахс ёки оила аъзолари кўпгина молиявий манфаатга эга ва у билан Жамият тижорат фаолият олиб боради ёки олиб боршига таклиф этади;
- Жамият ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир этувчи ҳар қандай фаолиятдан ўзини тутиб туриши, бу ерда мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари кўпгина (муҳим) молиявий манфаатга эга ёки аффилиланган шахс бўлиб ҳисобланади;
- Жамиятнинг Ижроия органи раҳбаридан бошқа ташкилотнинг бошқарув органида қатнашиши ҳақида олдиндан рухсатнома олиши, уларнинг манфаатлари Жамиятнинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши мумкин;
- Юқорида турадиган мансабдор шахсга, бошқа ташкилотда ўриндошлик бўйича ўзининг ишлаш нияти борлиги ҳақида олдиндан хабар бериши ва мўлжалланган иши Жамиятнинг манфаатларига қарши эмаслиги ҳақида ахборот бериши керак.

6. Манфаат низоларини ҳал қилиш (тартибга солиш).

14. Жамиятда келиб чиқадиган манфаатлар низоларини тартибга солиш (ҳал этиш) учун Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари судлашувдан олдин бажариладиган ишларни олиб борадилар, шундай қарорни қидириш мақсади билан, бу қарор, қонуний ва асосланган бўлиши, Жамиятнинг манфаатларига жавоб бериши керак.

15. Корпоратив низоларни қайд этиш ишлари Жамиятнинг корпоратив котибасига юкланади. Жамиятнинг корпоратив котибаси корпоратив низога дастлабки баҳони беради, асосий масала бўйича зарур бўладиган ҳужжатларни тайерлайди, ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда уларни Жамиятнинг мазкур корпоратив низони кўриб чиқиш учун ваколати бор органга беради.

16. Жамиятнинг корпоратив котибаси акциядорлардан тез-тез учрайдиган саволлар ва талабларни таҳлил қилади, бу саволлар бўйича барча акциядорларга қўшимча ахборотлар беришлари зарурлиги ҳақида қарорлар қабул қилади, ёки Жамиятнинг Ижроия органи раҳбариятига ички тартибга ва йўриқномага ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар киритади, ушбу турдаги мурожаатни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсади билан бошқа чора-тадбирларни ўтказиши.

17. Буюртмачидан ёки бошқа манбалардан манфаат низолари ҳақида ахборот олган ходим, бу ҳақида зудлик билан юқорида турувчи мансабдор шахсга хабар бериши шарт. Бўлинма тузилиши даражасида низони ҳал этишнинг имкони бўлмаган ҳолатида, бўлинма раҳбари бир иш куни давомида Ижроия орган раҳбарига низо ҳақида, унинг келиб чиқиш сабаблари, қабул қилинган чора-тадбирлари ҳақида ахборот бериши керак. Ижроия орган раҳбари ёки унинг ўринбосари низони ҳал этиш тартибини белгилайди, ваколатли шахсни тайинлайди. Заруриятга кўра манфаатлар низоларини ҳал этиш учун комиссия тузилади.

18. Ваколатли шахс манфаат низоларини ҳал этиш учун барча чора-тадбирларни қўллайди. Манфаатлар низосини ҳал этиш имкони бўлмаганида, ижроия орган раҳбари бошқармага масалани кўриб чиқиш учун киритади, Кузатув кенгаши раисига низо ҳақида маълумот юборади.

19. Мазкур ахборот низом вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш учун, Кузатув кенгаш қошида тузилган комитет томонидан кўриб чиқилади.

20. Низо ҳақидаги маълумот Жамиятнинг Ижроия органи раҳбарининг ёки унинг ўринбосарининг манфаатларига, у ўзининг ривожланишининг қайсидир босқичида тегиб кетганида ёки тегиб кетишга имкони бўлганида, уч иш куни давомида комитетга кейинчалик кўриб чиқиш учун Кузатув кенгашига низони ҳал этиш тартиби ҳақида қарор қабул қилиш учун берилади ва мазкур масала бўйича хулосани Кузатув кенгашига берилади.

21. Агарда низони кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг амалдаги ички ҳужжатларини қайта ишлаб чиқиш ёки ўзгартиришлар киритиш зарурияти келиб чиққанида, Кузатув кенгаши ёки Ижроия орган ҳужжатни қайта кўриб чиқиш ҳақида ёки тегишли ўзгартириш киритиш ҳақида қарор қабул қилади.

22. Жамиятнинг бошқарув органлари Жамиятда келиб чиқадиган ҳар хил турдаги манфаат низоларини ҳал этиш учун қуйидагиларни бажаришлари шарт:

- Манфаат низолари келиб чиқётган манфаатлар низоларини максимал тезликда аниқлаши, уларнинг сабабларини белгилаши;

- Жамиятдаги бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарликларини чегаралаши;

- Жамиятнинг ваколатини шахсни аниқлаш ёки, бундай зарурият бўлмаган ҳолатида, низони ҳал этиш бўйича комиссия тузилади;

- Аниқ низо бўйича Жамиятнинг позициясини максимал қисқа муддатларда аниқлаш, тегишли қарорлар қабул қилиши ва низонинг бошқа томонига уни етказиши;

- Тўлиқ ва асосланган жавобни низонинг бошқа томонга юбориши, низода Жамиятнинг аниқ асосланган позицияси, низо қатнашчисининг илтимоси ёки талабини қониқтиришни радэтиш ҳақидаги хабарни эса Қонунчилик, Жамиятнинг меъёрий далолатномалар, Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида тасдиқланган Устави ва ички регламентланган ҳужжатлар асосида;

- Низони ҳал этишда қатнашган ваколатли шахслар, зудлик билан, низо унинг манфаатларига ёки унинг оила аъзоларининг манфаатлари тегиши ҳақида хабар берилишини таъминлаши;

- Низо кимнинг манфаатларига теккан ёки тегиши мумкин бўлган шахслар, ўша низо бўйича ҳал этишда ва қарор қабул қилишда қатнашмаслигини таъминлаши.

23. Акциядорлар ўртасида, Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорларни ўртасида низоси ҳал этиши учун:

- Кузатув кенгаши мустақил аъзоси Жамият акциядорлари ўртасида келиб чиққан низоси ҳал этишда ўртакачи сифатида ўртача чиқиши мумкин;

- Ваколатли шахс ёки Жамиятнинг ваколатли органи акциядорлар ўртасида музокараларда қатнашиши мумкин, акциядорларга уларнинг қулида бор ва низога алоқадор бўлган ахборотларни ва ҳужжатларни тақдим этиши, Қонунчилик меъёрларини, Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатлар меъёрларини тушунтиришлари мумкин;

- Ваколатли органлар ёки Жамиятнинг ваколатли шахслари акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар берадилар, акциядор имзо қўйишлари учун низони ҳал этилганлиги ҳақида ҳужжатларнинг лойихаларини тайёрлашади, Жамиятнинг номидан ўзларининг ваколатлари доирасида низони ҳал этилишида ёрдам бериши мумкин бўлган даражада акциядорларнинг олдида мажбуриятлар оладилар;

- Жамиятнинг бошқарув органлари ўзларининг ваколатларига мувофиқ корпоратив низони ҳал этиш бўйича қарорни амалга оширишни ташкил этиши ва низода қатнашувчи билан Жамият номидан имзо қуйилган битимни ижро этилишига ёрдам беришлари керак. Низо томони билан ва Жамият ўртасида аниқ бир мақсад бўйича ўзаро зиддият бўлмаган ҳолатларида, уларнинг мажбуриятлари: тартиб, усули, муддатлари ва бошқа шарт-шароитлари бўйича уларни бажариш ҳақида ўзаро келишмовчилик келиб чиққан ҳолатида, Жамият низо қатнашчисига келиб чиққан ўзаро келишмовчиликни ҳал этишни таклиф этиши керак ва Жамият акциядорнинг талабини қониқтиришга тайёр бўлган шарт-шароитларни баён этиши керак;

- Агарда, акциядорнинг талабини қониқтиришда Жамиятнинг розилиги қонунчиликда, Жамиятнинг Уставида ва ички бошқа ҳужжатларда назарда тутилган қандайдир бир ҳаракатларни бу томондан амалга ошириш зарурияти бўлганида, унда Жамият жавоб беришда ўша шарт-шароитларни тўлиқ ёзда, ҳамда уларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни келтириб ёздаи.

24. Мазкур чора-тадбирлар рўйхати тўлиқ деб ҳисобланмайди. Ҳар бир конкрет ҳолатда манфаат низолар келиб чиқиш секторига боғлиқ ҳолда низони ҳал этишда бошқа шакллари бўлиши мумкин.

7. Хулоса.

25. Мазкур Низом, ҳамда унга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар оддий кўпчилик овоз билан акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

26. Агарда мазкур Низонинг айрим меъёрлари амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига ва Жамиятнинг Уставига қарама-қарши бўладиган ҳолатларида, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади, ушбу моддалардаги масалаларни тартибга солиш қисмида, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигидаги меъёрларга ва Жамиятнинг Уставига амал қилиниши керак, мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган вақтгача амал қилади.